

Ҳазратдан фикҳни ўргандик, ақоидни ўргандик, шафқатни ўргандик... ва фидокорликни ўргандик...



13:30 / 15.04.2021 1901

Биз илм деганда фақат шаръий билимларни тушуниб юрганимизда, ҳазрат илм диний ёки дунёвий деган ўлчовга сиғмаслигини бизга англатдилар. Халқимиз Қуръон нималигини билмай, уни фақат маросимларда тиловат қилинадиган нарса деб юрганида, ҳазрат Қуръон инсонни икки дунё саодатига бошловчи илоҳий дастур эканини «Тафсири ҳилол» орқали халқимизга билдирдилар. Ҳадис нималигини билмай, у ҳақда узук-юлуқ фикрларга таяниб юрганимизда «Ҳадис ва ҳаёт» орқала бизга ҳадис нелигини англатдилар. Сўнгра у зотдан фикҳни ўргандик, усули фикҳни ўргандик, ақоидни ўргандик, ихтилоф қилмасликни ўргандик, бағрикенгликни ўргандик, шафқатни ўргандик, фидокорликни ўргандик.

Зоҳирий билимлар биров яхши ҳолатга ўтгач, навбат ботиний билимларга келди. Ҳазрат гўё бизга қандай дори лозимлигини биладиган ҳозик табиб сингари эдилар. Биз тасаввуф деганда турли кашф-кароматлар, ғайритабиий ҳолатларни кўз олдимизга келтирар эдик. Ҳазрат тасаввуф бу нафс тарбияси, руҳ поклиги, ахлоқ сайқали эканини ўзларининг «Тасаввуф ҳақида тасаввур» номли китобларида атрофлича баён қилиб бердилар.

Вафотларидан салгина олдин Ибн Атоуллоҳ Сақандарий раҳматуллоҳи алайҳнинг «Ҳикматлар» номли китобига шарҳ битиб, уни «Хислатли ҳикматлар шарҳи» деб номладилар.

Тасаввуф мавзусида бу китоб бизнинг диёрларда тенги йўқ, ягона манба бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан. Агар шубҳа қилсангиз, марҳамат ўқиб чиқиб, ўзингиз хулоса чиқаринг.

Абдулқодир Полвонов